

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛК СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 31 май  
Сотувда эркин нархда  
№ 103 (2400)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



«Пилла - 2000»

## СУРХОНДАРЁ МАРРАГА ЕТДИ

Сурхондарё вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 30 тонна пилла топшириб, бу борадаги шартнома режасини ошириб бажарди. Ҳар қуту қурт уруғидан ўртача 43,5 килограмдан сифатли санат хомашёси етиштирилди. Бу муваффақиятга Шеробод, Термиз, Қумқўрғон туманлари пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳамкорлик

## ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ — ШИМОЛГА

Нукус тумани машина-трактор парки билан Россиянинг «Алтайхолдинг» компанияси орасидаги муносабатлар ривожланиб бораётган. Яқинда бу ердан қиймати 8 миллион сўм бўлган ёз ноз-неъматлари олтойлик тракторсозларга жўнатилди. Ўз ичига 17 та улкан заводчи олган «Алтайхолдинг» ўз навбатида Нукус тумани машина-трактор паркига турли русумдаги тракторлар учун эҳтиёт қисмлар юборди.

Қадрият

## НОЁБ ТОПИЛМА

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олими, тарих фанлари доктори Мухаммадхон Исомиддинов ва Франция илмий марказининг илмий ходими Клод Рапен бошчилигидаги ўзбек-француз кўша экспедицияси қатнашчилари Челябинск туманидаги Куктепа ёдгорлигида ноёб археологик топилмага дуч келишди. Бу ерда 25-30 ашкли асрдада маликанинг қабри топилди. Малика қимматбаҳо уст-боши билан дафн этилган бўлиб, унинг қўйлаги 200 га яқин тилла тўتما билан безатилган. Маликанинг ёнига қумуш ойна, қумуш пиёла ва жез қозон ҳам қўйилган.

Археолог олимларнинг фикрича, асрдада аёл милоддан аввалги биринчи асрларнинг расми-русумлари асосида дафн этилган.

Танлов

## «ОРОМ»НИНГ ДАДИЛ ПАРВОЗИ



Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi таълим-тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари, ўқувчилари билан таркиб топган хаваскор бадий жамоаларнинг республика танлови бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Ором» боғча-мактаб марказининг ўғил болалар хор-ракс жамоаси муваффақиятли катнашиб, биринчи ўринни эгаллади.


Спорт

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Японияда даъво бўйича Осиё чемпионати ўз нихосига етди. Унда китаниннг энг кучли спортчилари нафақат чемпионатнинг бош мукофотлари, балки Сиднейда бўладиган Олимпиадада ўйнашларига бериладиган йўлнамалар учун ҳам кураш олиб боришди. Ўзбекистон терма жамоаси бу муСОБАҚАДА олтинта йўлнамани қўлга киритди.

Ўз вази тоифаларида Камол Муродов, Армен Богдасаров, Андрей Штурбовин, Абдулла Тангриев, Мансур Жумаев ва Алишер Мухторов Осиё чемпиони бўлди.

«Жалк сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Навбахор тумани маркази — Беширбот кўндан-қўнга чирой очмоқда. Бу ерда барпо этилаётган кўплаб бинолар яратилаётган имкониятлар самараси дейиш мумкин. Ҳозирда маданият саройи, спорт зали, ошхона, коллеж қурилиши жадал суръатларда амалга ошириляпти. 750 ўринли маъзур касб-хўнар коллежининг барпо этилишида 200 га яқин навоийлик бунёдкорлар қатнашмоқда. Унда 50 дан зиёд техникалар унумли ишлатилляпти. Жами 900 млн. сўмлик маблағ ана шу ўқув даргоҳининг қурилиши учун ажратилган. Уни қурувчилар йил охиригача битказишни ният қилганлар.

## БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ



СУРАТЛАРДА: Навбахор туманидаги 750 ўринли касб-хўнар коллежи қурилишидан лавжалар; илгор гўшт теруви Хўшим Алиев. Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Унда ўрғилик, босқинчилик ва талончилик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашининг ташкил этилиши ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фож этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги прокурорлик назоратининг аҳоли юзасидан ўқазилган текшириш натижалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этишни идоралар томонидан бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фож этиш ва айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириладигани қарамай, ўтган 1999 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатда унумли жиноятчилик ҳамда унинг ўрғилик, талончилик ва босқинчилик каби турларининг пасаймаётгани таъкидланди. Бу борада йўл қўйилган қамчиликларни бартафур этиш, хусусан, жиноят ишларини ўз вақтида очинди изчилик билан иш тутиш лозимлигига эътибор қаратилади.

Мажлисда жиноятларнинг олдини олиш, фож этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан тасвирчан чора-тадбирларни амалга ошириш йўллари белгиланди.

(ЎЗА)

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Халқаро логистика маркази» лойиҳаси сармоядорларининг икки кунлик халқаро анжумани бўшланди. Унда юз эллиқдан ортиқ маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Урта Осиёнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган халқаро коммуникация тармоқлари кесинган нуктада жойлашган. Шарқ билан Ғарби бир-бирига боғловчи қадим «Буюк Ипак йўли»нинг марказий қисми ҳам мамлакатимиз худудидан ўтган. Бу йўл бўйида кўплаб қарвонсаройлар, савдогарларнинг дам олиш масканлари ва бозорлар бўлган. Бу халқаро савдо йўллари минтақамиз икстиодиётини раванк топшириш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш ҳамда халқлар ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Мустиқилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимиз ҳукумати ва қадимий савдо йўлини яна тиклаш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон ташаббуси билан бу борада кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди, халқаро анжуманлар ўтказилди. Бундай тадбирлар хорижийлар эътиборини тортмай қолмади. Чет элликлар қадим робиталарни тиклаш, таъмирлашга ҳисса қўшиб истагини билдирди. Айниқса, бунда Европа давлатларининг иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу табиий ҳақ. Зеро, Ғарбий Европа давлатлари учун Осиё бозорига чиқишининг энг маъқул, яъни арзон, яқин ҳамда хавфсиз йўли мамлакатимиз худудидан ўтади. Шунингдек, Осиё давлатлари ҳам бу

йўллардан Европа бозорига осонроқ чиқди.

Икки кунг учун бирдек манфаат келтирадиган бундай лойиҳалардан биз ҳам қатта фойда қўрамиз. Айниқса, бу ҳозир Ўзбекистон учун энг муҳим ҳисобланган денгиз йўлига чиқиш муаммосини ҳал қилади. Шунингдек, у мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳам Европа, ҳам Осиё

## ЯНГИЙЎЛНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАРВОНСАРОЙИ

бозорига чиқарилишида қўлай имконият яратди. Энг муҳими, бу савдо йўллари мамлакатимизда коммуникация тармоқларининг янада ривожланишига қатта имкон яратди. Лекин, бундай улкан ишларни амалга оширишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун қатта маблағ ва кўп меҳнат талаб қилинади. Йўл бўлганидан кейин, унинг бўйида қадимий қарвонсаройларга ўхшаш иншоотлар қуриш зарур.

Мамлакатимизда бу борада ҳам дастлабки қадамлар ташланди, дейиш мумкин. Хусусан, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида Халқаро логистика маркази бунёд этилади. Урта Осиёда ягона ҳисобланган маъзур марказ етмиш гектардан кўпроқ худудни эгалляйди. У ерда хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туширилади ва юкланади. Юклар, лозим топилганда, сақланади ва тегишли

худудларга жўнатилди. Шу ернинг ўзига божхона ва банк хизмати қўрсатилади. Маҳсулотларга сифат сертификати берилди. Марказда автомобиллар тўхташ жойлари ва уларга ёниқли қўйиш шохобчалари, шунингдек, савдо-сотик бўлимлари бунёд этилади. Ҳайдовчиларнинг қўнғили хориқ чикариши учун қўлай шарт-шароит яратилди. Бу хизматлар билан икки мингдан ортиқ киши банд бўлади.

Халқаро логистика марказини бунёд этишда Германиянинг «Дайлер-Крайслер» компанияси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳозир дунёнинг юзга яқин компанияси ушбу марказнинг қурилишига қизиқиб билдирётган бўлса, уларнинг эллиқдан ортиги лойиҳада бевосита иштирок этиш

истагиди. Тошкентдаги халқаро анжуманини ўтказишдан мақсад ҳам ушбу лойиҳа ижросини таъминлаш борасида чет эл компаниялари билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва бу ишга янада кўпроқ хориқ сармоясини жалб қилишдир. Тадбир иштирокчилари «Логистика тармақининг стратегияси», «Ўзбекистон Республикасида транспорт хизмати логистика тармақининг истиқболлари», «Ўзбекистон Республикаси билан ТРАСЕКА дастури доирасида ҳамкорлик: Транскавказ йўлининг ривожланиши ва логистика марказининг ўрни ва таъсири», «Ўзбекистонда хориқ сармоялар учун қапонат ва имтиёзлар» каби мавзуларда маърузалар тинглайди.

Равшан МАХМУДОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ЖАҲОН САЪАТ ИЧИДА

● Россия президенти Владимир Путин ядро қуроли сановини ялпи таққиллаш тўғрисидаги шартноманинг ратификацияси ҳақидаги қонунга имзо чекарди. Мазкур ҳужжат 21 апрел кун Давлат думаси (парламентнинг қули палатаси) томонидан қабул қилинган ва 17 май кун эса уни Федерация кенгаши (қоқори палата) қўллаб-қувватлаган эди.

● Сьерра-Леоне ҳукумат қўшинлари Бирлашган Инкилобий фронт исёнчиларини ўққилди. Мазмулотларга қўра, айна пайтада жанг мамлакат пойтахтидан 80 километр узоқликда бормоқда.

● Айирмачиларнинг ўт очини вақтинчалик тўхташ ҳақидаги таслифи эълон қилинганга қарамай, Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари Жафна яриморолда жангариларга қарши жанглири давом эттирмоқда. Шри-Ланка мудоффа вазирлигидан маълум қилинишича, ҳукумат қўшинлари ўт очини вақтинча тўхташ ҳақидаги таклифдан беҳабар.

● Исроил тарқатиб юборилган «Жанубий Ливан армияси» хизматчиларига 60 миллион АҚШ доллар миқдорда товоп пули тўлашга қарор қилди. Бу ишни Исроил мудоффа вазирлиги мувофиқлаштириб туради.

● Словения Бош вазирини Милушка Дзуринца АҚШнинг «Вашингтон таймс» газетасига интервью берди, ўз мамлакатини 2001 йилда НАТОга қўшилишига тайёр бўлишини маълум қилди. 2002 йилда эса яна бўлиб ҳақидаги расмий таклифларнинг олинишига ишончм қилиб, деди у.

● Филиппин хавфсизлик қучлари пойтахт Манилага юз берган портлашга алоқадор интиригидан ортиқ кишини хибсга олди. Филиппин полициясининг маълум қилишига, хибсга олинган «Вашингтон таймс» фронти аъзолари бўлиб, улар мамлакат жанубида мустиқил давлат тузиш учун кураш олиб бормоқда.

● Нигерия парламенти мамлакатда сунғи хариб мазмурият ҳуққоронлиги даврида қабул қилинган конституцияни қайта қўриб чиқиш учун маъзо комиссияси тузди.

● Эретрия ҳукумати Эфиопия томонига уруш ҳақидаги тўққилани таклиф қилди. Эретрия томони бу таклиф мағлубиятни таъминлиш анигламайди, деб баёнот берди.

(Давоми 2-бетда).

## Диққат, янги руқ:

# «МҲН ОЗОД ЮРТИ ФАРЗАНДИМАН»

Мухтарам газетхон!  
Унаётган ҳар бир дақиқа бизни Ватанимиз мустиқиллигининг тўққилни ялдилан нишонланадиган қўнға ақиллаштирмоқда. Зеро, 1 сентябр халқимиз онгида миллиат тақдирини, келажасини белгиловчи сана сифатида муқаррар қилди.

Мустиқиллик шонидеяси юртимизда нишонланадиган байрамларнинг байрами, тапталалар эълоти, энг улуғ, энг азиз айём. Зотан, инсон фарзанди учун миллиат озодлигидан кўра олаий неъмат йўқ.

Халқимизда азалий ва абадий анвана бор: тўйга тўйда бўлган, ҳамма жойида бунёд этилаётган улуғвор қурилишларини халқон билан «Мустиқиллик иншооти бу» деб гузурланилади. Демак, шу айём чинақоб яратувчилик ишларини рўёбга чиқаришда сарҳисоб нуктасига, зафар маррасига айланмоқда.

Ҳўш, шаҳар ва қишлоқларда, айло ва қазима қонлариди — қисқаси, халқ хўрақининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган қамдошларимиз мустиқиллик тўйиғини тўда ҳис қилишляптими? Ота-бобларимиз асрлар бўйи орзу қилиб келган озодликнинг қадрга етишляптими? «Халқ сўзи» сўрономаси руқни остида берилган сўхбатларда шу ва шу каби саволларга жавобларни ўқийсиз. Айна пайтада бу саволларга сиз, азиз газетхонлардан жавоблар кутамиз, «Мен озод юрт фарзандиман» деб аталган сўрономлада фаол иштирок этишса чикармиз.

1. Мустиқиллик даврида олдинига қўйган мақсадларга қай даражада эришса олдиқ, деб ўйлайсиз?  
2. Мустиқиллик тўйиғини шахсан Сизнинг ҳайтиғизда ва фаолиятингизда қандай ўзаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуктаи назаридан бугунги ишларингиздан қўнғиланга тўлодиғиз?  
3. Сизнингча, янги аср бўсағасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун нималарга эътибор бериш керек, деб ўйлайсиз?



Сўронома Саволларига ғузвчи ТОВЛАК МАЛИК жавоб беради.

1. Оғир хасталиқ дардини чекаётган одамни тасаввур қилайлик. Табиблар «умид йўқ», деб мулоқажани бас қилганлар. Ана шу ҳолдаги одам шифо топиб, оёққа туриб кетса, қувонч

қўеши чарқаламайди? Мамлакатимизнинг истиқлолдан илгарини ҳайти ўша умидсиз беморни эслатарди. Иқтисод хаста, маънавий олам хаста. Умид чироклари ўчган. Очингани айтсам, мустиқиллик эълон қилинишини улуг бир шўқроналиқ, беадад ҳақдон билан шарофланганим бўлди. Узимгагина маълум бўлган хавотирим ҳам бор эди. Умуми ҳамият бизга бемор ҳолидаги иқтисодни мерос қолдирди. 24 миллион атомонга айланган қорнини тўйдирини, едирини-кирини тириштиришни, Аҳволнинг мушкуллигини тарозни палласига қўйиб тортиш мумкин бўлганда эди, ҳам аянчилик, ҳам бадбин манзарани кўрардимки. Ҳозир ўша дамларни эслаб «умидсиз бемор ҳолидан

қандай чиқа олдиқ экан» деб ўйлайман. Сиевсатчиларда «деб-боча режа» (программа минимум), «асосий режа» (программа максимум) деган ибора бор. (Юқоридagi таъбир билан айтилса, бемор оёққа турди. Энди навобат дадил юришга!) Халқнинг дастурхонидан «умидсиз» уст-боши бут бўлди. Тўй-ҳашамлар тўхтама-тўхтама қорин қорин бўларда «мажбурий танарфус» юз бермади. Билъақ, аввалги «ойлим ҳовузи» билим умонига айланди. Илим истагини ўқилди, едирини-кирини тириштиришни, Аҳволнинг мушкуллигини тарозни палласига қўйиб тортиш мумкин бўлганда эди, ҳам аянчилик, ҳам бадбин манзарани кўрардимки. Ҳозир ўша дамларни эслаб «умидсиз бемор ҳолидан

# «МЕН ОЗОД ЮРТИ ФАРАНДИМАН»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент жанобларининг дастлаб АКШга борганларида «Мен сизлардан қарз сўраб келмадим, амалий ҳамкорликка тақлиф этганим келдим» дейишлари, назаримда, Ўзбекистоннинг сие-сатдаги мураккаб йўналишини белгилади. Сир эмаски, кўпроқ айтилса, тиланчилик сие-сати ўтказувчилар ҳам бор. Бу сие-сатни юргизувчи мамлакатларнинг раҳбарлари тахдатдан тушундирилган қадар аҳолининг қорини тўйиб қўядилар. «Мендан кейин дунёни сув босмайдими!» деб иш юргизувчи раҳбарлар халқнинг шўри. Олпоғга шўркури, бизларни бу обротага рўйлар қилмади.

2. Саволга савол билан жавоб берсам: эски тузум чизган чизикдан чиқмай асар ёзиб қитобларни қийналмай чиқариш дурусти эди. Эски китоб нашр этиш қийноқ бўлса-да, эркин ижод қилиш яхшироқми? Албатта, иккинчи ҳолат кўпчилик қатори қаминга учун ҳам муддаоинг ўзи. Тўғри, ҳозир китоб нашр этиш осонмас. Аввал «Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим» деб яшардик. Энди ижод эркинлигига эга-мик. Тўғри, баъзан танқид, баъзан танбех оштинмади. Лекин бунинг ижод эркинлигини бўғиб деб тушуниш ярамайди. Кейинги 9-10 йил орасида ижод эркинлиги махсули бўлган қайси китобнинг наشري ман этилди?

Кимнинг асари эркин ижод қилгани учун тўхтаб қўйилди? Мен бундай ҳолини эшитганим йўқ. Шахсан ўзимга ҳам тўхит бўлмади. Менга кўп учрашуларда «аввалги замонда «Шайтанат»ни нашр қилиш мумкинми?» деб савол беришди. Бундай саволга жавобим тайин: йўқ, асар китоб ҳолида чиқмасди, бўлирди.

Ижод эркинлиги буюк бир неъмат. Гап шундаки, бу неъматдан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Қарасда катта бўлган қуш эркинликка чиқса дарров банд парвоз қила олмайди. Бунинг учун фурсат керак, учинга ўрганиш керак. Қаминанган ўтган йиллардаги ҳаракатларини шундай парвозга интилишга қиёслаш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда ёш ижодкорларга жуда-жуда ҳавасим келади. Улар адабиёт оламига эркин парвоз қилиб қирғилар.

Бугунги ишларимдан қўнғим тўлади, десам ёлгон айтган бўлман. Агар «яқши ишлариман», десам, ҳаракатдан тўхтаган бўлман. Батан бизга жуда кўп неъмат берди. Бизнинг эса (аниқроғи, шахсан менинг) гайратимиз шунга муносиб эмас. Олишимиз яқши-ку, қайтаришимиз сўст. Миллий го, миллий мафкура масалаларига бағишланган йилнинг Президентининг айтган тавсияларини бундан исбот бўлар. Мана шунинг соҳасидаги ҳар бир камчиликка биз ўзимизни ҳам айбдор деб билмоғимиз лозим. Шундай экан, ишимиздан қўнғимиз тўлиб, хотиржам бўлмоғимиз мумкинми?

3. Ҳозирги банд мартабали давлатлар қаторида туриш учун Ўзбекистонимизнинг барча имкониятлари бор. Аввало, бизнинг олий мақомдаги тарихимиз мавжуд. Тарихимиз қарасак, илм-фан, маданият жиҳатдан таракқий этган мамлакатлар қаторида тураимиз. Бу мустақам пойдеворга ақлини лол қолдирувчи иморат қуриш мумкин. Бу иморат қуришнинг шартларидан бири — уюшқоқлик, бошқача айтсак, ўзаро иттифоқликдир. Тарихимизга қарайлик, халқ ақидил, уюшган даврларда мамлакат кудратли ва шўхратли бўлган. Нонитифоқлик бошлангани билан кудратдан пур кетган.

Ҳар бир оиланинг ўз ички муаммоси бўлади, ташвиши бўлади. Агар бу муаммони фарзандлардан қайси бериб маҳаллада қибчи ёйса хонадоннинг ҳурмати қолмайди, ундан файз кетади. Ички муаммолар хонадоннинг ичиди ҳал этилиши керак. Ташқарига чиқиб ўз уйига тош отиш тош отувчи ҳам, бу уйга ҳам шараф келтирмайди. Мен 20-30-йилларда четга чиқиб кетганларга тушуниш мумкин, истиснод дари эди, тузум ўзга эди. Энди-чи?

Янги жамият қуришда камчиликлар бўлиши табиий, фикрлар қураши бўлиши табиий, аммо, бу фарзали ноитифоқликка асос бўлиши керак. Ҳар бир ташвиш, уюшқоқлик — мамлакат нуфузини кўтарувчи таянчлардан биридир.



### КАДОКЛАНГАН ЁҒ САВДОГА ЧИКДИ

«Наманган ёғ» ҳиссадорлик жамияти бир литрлик пластмасса идишларга қўйиб, тозаланган пахта ёғини сотувга чиқарди. Ҳиссадорлик жамияти саёй-ҳаракати билан Франциядан келтирилган ўсқуналар билан жиҳозланган цех соатида 1600 донга идишда ёғ қадоқлаш қувватига эга. Янги линияни ишга тушириш учун 67 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур цехда айни пайтда 23 нафар ишчи меҳнат қиломоқда.

— Бу йил галладан бўшган 1000 гектар ерга жамоа хўжаликлари билан ҳамкорликда қунбақор экинни режалаштирганамиз, — дейди жамият раиси Қўтбулла Лутфуллоев. — Бу ўтган йилга нисбатан 4-5 баробар кўп. Мақсадимиз виллоятимиз аҳолисини экологик тоза, сифатли ёғ билан таъминлашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйишдир.

**СУРАТЛАРДА:** корхона умумий кўриниши ва пеклар; оператор Манзура Абдуразақова. Тўғрунбек МАҲҚАМОВ олган суратлар.



## Санация — сўнги имконият

Илгари ҳам «Хайитқўл» жамоа хўжалиги нафақат Чирокчида, балки Қашқадарё виллоятида ҳам маълум эди. Қай томондан дейсизми? Гапнинг очиги, юқорига энг кўп шикоят шу хўжалиқдан тушарди. Йилда 2 марта раис алмашарди. Ун йиллар давомида шу хол такрорланган. Бу вақт давомида бирон бир соҳада режа бажарилмаган. Шу аснода ташқи бошқарувчи топиш муаммоси ҳам келиб чиқди. Ҳеч ким бу ерга раҳбар бўлиб қелишни хоҳламасди. Аммо кимдир ишлаши, ишлаганда ҳам чинакамга ишлаши керак эди. Ана шу кимдир туман ҳокимининг иктисодий масалалар бўйича ўринбосари Исрол Боймирзаев бўлиб чиқди. Ташқи бошқарувчилик ўзига хос саноат эканлигини у яқши биларди. Агар иш юришиб кетса, омади. Акс холда... «Қўлидан иш келмайдиганга» чиқади-қўяди.

## Тўқимачилик саноатининг истиқболи

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида «Тўқимачи-2000» халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ўзбекистондаги бюроси томонидан ТЕМ-ПУС-ТАСИБ таълим дастури доирасида ташкил этилди. Конференцияда мамлакатимиз олий таълим тизими ходимлари, олимлар, шунингдек, Бельгия, Греция ва МДХ давлатлари — Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган мутахассислар иштирок этди.

Конференцияда бугунги кунда тўқимачилик дунёнинг кўпгина давлатларида энг ривожланган соҳалардан бири экани қайд этилди. Азалдан пахта етиштирувчи мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон иктисодиётида у янада катта истиқболга эга. Республикада амалга оширилаётган иктисодий ислохотлар, биринчи навбатда, ташқи бозорда рақобатлаша оладиган тайёр махсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Конференциянинг ҳоржий иштирокчилари Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар тўқимачилик соҳаси учун мутахассислар тайёрлашга икхобий тасйир этганини қайд этишди. Бунга мисол сифатида Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтини келтириш мумкин. Бу ерда ўқитиш илгор педагогик технологиялар ассосида йўлга қўйилган, етакчи корхоналар билан бевосита алоқалар ўрнатилган, уларда талабаларнинг амалий машғулотлари ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур олий ўқув орти битирувчиларини ишга жойлаштиришда муаммо урчмайди. Бундан ташқари бу ерда битирувчиларнинг ўзига хос аукционлари ташкил қилиниб, уларга бутун республикадан корхоналар вакиллари иштирокчилик қилиб йўлга қўйилган.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

## ПУДРАТ — ЭНГ МАЪҚУЛ УСУЛ



Бултур Окқўрғон туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасида пахтачиликда иш юртишининг пудрат усули қўлланилгани тўғрисида таълим берилди.

«Ким ишларини хоҳласа, келсин. Танловдан ўтса, мархамат». Шундай қилиб, ҳар кимнинг гинаси ўзида қолди. Ишни билдирган ва ишлайдиган одамларгина бозор мутахассисликка танлаб олинди. Идора ходимлари сони қисқарди, 13 тага туширилди. Шунинг ўзидан ҳам 1 миллион сўм тежалди.

Қарангки, фалончини ишга олди, мен қолдим, дегувчи бўлмади. Чунки танловда гирромлик қилинмаганди. Хуллас, иш

## «Хайитқўл» ЯНА ТИЛГА ТУШДИ

бошланди. Дастлабки йили 2060 тонна галла етиштирилиб, 25 миллион сўм соф фойда олинди. Бу илк галаба эди. 350 гектар ерга чигит экилиб, 890 тонна ўрнига 1054 тонна пахта етиштирилди. Пахтачиликдан 7 миллион сўм соф фойда олинди. Бу иккинчи ютук эди. Умуман энди норвалиқдан ҳам, сабзавот етиштиришдан ҳам даромад олина бошланганди.

Ҳўжалик ерга су асосан 9 та насос орқали чиқариларди. 1997 йили биргина электр энергияси учун 4,5 миллион сўм тўланган экан. Ҳўш, шу зайдда пул исроф қилинаверадими? Йўқ. Ҳисоблагич ўрнатилди. Ҳозир йилга кўпи билан 500 минг сўм тўланмоқда.

Техалган — нақд бойлик, деган гап бор. 1997 йили 860 тонна минерал ўғит олинган. Шунча ўғит солинган ердан нега паст ҳосил олинмоқда? Ҳисоб-китоб қилинди. Ва 1998 йилга келиб, 350 тонна ўғит олинди. Бироқ пахта, галла тайёрлаш режалари ошириб бажарилди. Еки бошқа бир мисол. 1996 йилда 250 тонна энгил сарфланганди. Ҳозир 1 гектар ерга (пахтачиликда) 245 литр энгил ишлатилмоқда. Бошқача айтганда, энгил учун режалаштирилган 16 миллион 52 минг сўмдан ўринли фойдаланилмоқда. Бунда чекнинг жорий этилганлиги кўп келяпти. Мухими, пахтачиликда ишлайётган 263, галлачиликдаги 73, боддорчилик ва полизчиликдаги 10 пудратчи бунинг ахамиятини чўқур тушуниб етган. Чунки харажат ойма-ой ҳисоб-китоб қилинади. Ким тежаляпти, ким ортиқча сарфга йўл қўймоқда? Дарҳол аён бўлади-қўяди. Кимки 5 литр энгилни ортиқча сарфлаган бўлса, иш ҳақидан ушлаб қолинади. Техника воситаларидан ким қандай фойдаланади? Кўп нарса ана шунга боғлиқ. Ташқи бошқарувчининг бу соҳада ҳам ўзига хос иш тутуми бор. МТГдан ҳадеб

техника олавермайди. Олади. Зарур пайтда. Қолган вақтда ўз имкониятидан фойдаланади. Шундай қилиб, маблағни тежалди.

Илгарилари «келди-кетди» учун, «меҳмондорчилик харажати» деган нарсалар бўларди. Масалан, 1997 йили шу мақсадга 240 минг сўм чиқим қилинганди. Ҳозир ҳам «келди-кетди» бор. Лекин чиқим йўқ. Кимлардир бундан норози ҳам бўлгандир.

Исрол Боймирзаев энди ташқи бошқарувчи эмас, раис. Раис бўлганда ҳам, ҳеч ким эпполмаган хўжаликни оёққа тургаган раис. Шу тўғрисида у оёру қозонди. Айтиш керакки, ташқи бошқарувчи устидан та туман, на виллоят ҳокимлигига, ҳали тумандагилар бунинг сабабларини унчалик чўқур англаб етишмаганга ўхшайди. Чунки қўлпаб хўжалиқлардагина эмас, туманнинг ўзида ҳам 3-4 йилдан бери пахта тайёрлаш режаси бажарилмапти.

«Бажармапти ҳам, бажарган туманларга нисбатан иктисодиёмиз яқши» дейиш, ўзини овиштидан бошқа нарса эмас. 1997 йили туманда пахта ҳосилдорлиги 20,7 центнер, 1998 йили 22,4, ўтган йили 23,3 центнер бўлди, ҳар йили ўсиш бор, деб хотиржам бўлишга асос йўқ. Чунки «Хайитқўл» хўжалигида бултур 25 миллион сўм соф фойда олингани ҳолда, Чирокчида катта туман даромади эса бир йилда 68 миллион 283 минг сўмни ташкил этган. Ҳўш, шу билан қаноатлас бўладими?

«Хуллас, «Хайитқўл» хўжалиги яна тилга тушди. Аммо энди яқши томондан. Демак, ўқувли раҳбар элининг обрўйига-обрў, доврўига-довруқ қўшади. Шундай эмасми, «Хайитқўл»-лик биродарлар? Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

### ёхуд фермерлар билан жамоа хўжаликлари эришаётган натижалар ўртасидаги тафовутнинг ер билан осмонча эканлиги хусусида

Рақамлар... Уларнинг мағзини чаксангиз, тахлил қилсангиз, ислохотлар қандай кетаётганини, қайси корхона еки хўжалик қай йўсида фаолият кўрсатаётганини кўнундай равшан бўлади. Бугун кимлар ташаббус кўрсатиб, астойдил меҳнат қилаётгани, кимлар кўл учиде ишлаб, ўз жамоасининг инкирози ёқасига келиб қолишига сабабчи бўлаётганини оқинди-лашди. Мана шу саёй-ҳаракатлар: Андижон виллояти бўйича жорий йилнинг биринчи чорағида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар бош сони 61,9 мингга таъшиб қолди. Фермер хўжалиқларида эса, аксинча, говмушлар 14,7 минг бошдан 16 минг бошга кўпайди.

Етти ҳазинанинг бири ҳисобланган паррандачиликда ҳам айнан шундай ҳолат юз берди. Билорат хўжалиқларида бу йил парранда бош сони ўтган йилнинг дастлабки уч ойига нисбатан 58,3 фойзага қамайиб кетди. Бирок фермерлар соҳани ривожлантиришди. Чунки, тармоқдаги ўсиш 139,5 фойзага ортди. Бундан ташқари, мева, сабзавот махсулотлари етиштириш, асалари, пиллачилик соҳаларида ҳам кўроридегидек фарқ кўзатилди.

Тахлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, қаерда мулк ўз эгасига берилса, тадбиркор фермерга хайрихоҳлик кўрсатилса, ўша ерда умум, баракка бўлаётди. Ютуқлар салмоғи ортмоқда.

Ушунга қўнғи, кудратига ишонган полвонлар кураш майдонинда миқровланмайдилар.

Бугунги кунда Назиржон Тошмаевга ўхшаш деҳқон-фермерлар сони Андижонда салкам 40 мингга етди. Уларга 25-300 гектар ер ажратиб берилган.

Афсуски, айрим туманларда мева, сабзавот, полиз махсулотлари етиштириш кўнғил-дагидек бормаётган, паррандачилик оксоқ соҳалардан бирига айланиб қолган экан, унинг сабабларини қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга ҳануз жиддий киришмаётганидан ахтармоқ керак. Чунки, Олтинқўл туманида аксарият хўжалиқлар боддорчилик ва узумдан мўлжалдаги ҳосилни олаётмапти. Ф. Кўчоров номи жамоа хўжалиги тасарруфиде 36 гектар узумзор бор. Шундан ҳосил берадигани 15 гектарни ташкил этади. Ҳўш, бу йил шунча майдонда, — яқши бўлади, — бўлиб келмайдиган соҳа мутахассислари.

### Тахлил

Навоий номи жамоа хўжалигида ҳам боддорчилик ва сабзавотчиликка панжа орасида қаралмоқда. Тармоқдаги натижалар мутлақо қониқарсиз эканлигига қарамай, бу ҳол хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларини сергақ тортирмайди. Қараган, бу хўжаликда 3 гектар боддан 7,3 тонна мева йиғиштириб олинди. Умум тайёрлаш режаси ҳам ўлда-жўлда қилиб кетган.

«Чиллаки чиллақини кўриб берди. «Тошкент» жамоа хўжалигининг боддонлари эришган натижалардан эса қулашини билмайсиз. Етти гектар мевали боддан атиги 6,4 тонна неъмат олинганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

— Бунинг сабаби нимада? — сўраймиш умидор ерларнинг умрини беҳуда ўтказётганлардан.

— Совуқ уриб, гулини тўкиб юборди, — баҳонани қалаштириб ташлайди ўзини боддон хўжалиқчилар.

— Бу йил шунча майдонда, — яқши бўлади, — бўлиб келмайдиган соҳа мутахассислари.

Ҳалқимизда «Танаси бошқа дард билмас», деган мақол бор. Агар юқориде мисол сифатида келтирилган боддон, сабзавот экинлари майдонларини, тоқзорлар хусусий мулк қилиб ўз эгаларига еки бўлмас, шартнома асосида боддонлар ва деҳқонларга берилганда, шундай янгли аҳволга йўл қўйилармики? Мутлақо йўқ. Ҳолбуки, туман раҳбарлари тармоқдаги ўзбекистонлик, орқага кетиш сабабларини чўқур тахлил этишлари, муаммоларга ечим топишлари, тизимдаги говларни олиб ташлашлари, эркинлаштиришга эътибор қаратишлари керак эди. Олтинқўлда нима бўлди? Айтиш мумкинки унинг тескариси. Туманда деҳқон-фермерлар сони кўпайиши ўрнига 95 нафарга қамайиб кетгани шундан далолат беради. Устига устак, пахтага ажратилган 16, дон учун берилган 83, шол экилган 18, картошкага ажратилган 12, сабзавот экинлари учун берилган 8 гектар ер деҳқон-фермерлардан қайтариб олинди. Шунинг ҳисобига деҳқонлар ўтган йили 50,8 тонна пахта, 497 тонна дон, 43 тонна шол, 252 тонна картошка, 117 тонна сабзавот, 88 тонна полиз, 76 тонна мева, 4 тонна узум ҳам етиштирилди. Ҳолбуки, қўрғонтепаллик деҳқон-фермерлар бултур бурноғи йилга нисбатан 600 тонна сабзавот, 224 тонна мева, 106 тонна картошка (такрорий экин сабоғига), Андижон тумани тadbirkorлари эса 83 тонна кўп узум йиғиштириб олдлар.

## Кўрғазма хулосалари

## ИЗЛАНИШЛАР ВА ҒОЯЛАР БИРЛАШГАНДА...

Газетхонларга яқинда «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон — XXI аср бўсағасида» номли гўят кенг кулмалли кўрғазма бўлиб ўтганини маълум. Ушбу кўрғазмада юзлаб ҳоржий фирмалар теҳника ва теҳнология соҳасида ўзларининг энг сўнгги ютуқларини кўрсатдилар. Уларнинг орасида NCS гурўҳига кирувчи компанияларнинг махсулотлари махсус тендда намойиш этилди. Аниқроғи, бу махсулотлар компьютер теҳнологиясига таалуқли ангиларди эди. Лекин бизни бир ҳолат таажубга солди. Нега бир неча компания бирлишиб алоҳида бир тендда ўз махсулотларини намойиш этишга қарор қилишган? Ахир ҳозирги бозор иктисодиёти шароитида компанияларнинг бирлашуви эмас, балки ўзаро икхобий-амалий рақобати кўпроқ табиий эмасми?

Хуллас, шундай саволлар билан мен ана шу гурўҳга мансуб бўлган Ўзбек-дания «Central AS CHS» қўшма корхонаси директори Пламен Лаловга мурожаат қилдим. У ушбу «бирлашув сирини» шундай изоҳлади:

— Ҳа, NCS ўз таркибига бизнинг «CA CHS», шунингдек S&K, YAT, UNISOFT, ASBT вақар ўзаро дўстона компанияларни ширеклик асосида бирлаштирган. Маълумки, ҳозирги кунда телекоммуникация соҳаси тез ривожланиб бораёпти. Бу соҳада изланишлар ва ғоялар кўп. Энди етакчи компанияларнинг изланишлари ва ғоялари ўзаро мулоқотга ва ҳамкорликка янада бойийди. NCS гурўҳидаги компаниялар ўзаро бирлишиб, ҳозирги компьютер теҳнологиясига доир кўпгина муаммоларни комплекс равишда ҳал этишга интилоқдалар. Яъни компьютер бўйича янги ишланмаларнинг лойиҳаларини тайёрлашдан тортиб, уларни ишлаб чиқаришга, шунингдек бошқа мамлакатларда ўз теҳнологияларини даражасида мутахассисларни тайёрлаш ва сервис хизмати кўрсатишнинг барча босқичлариде юқориде тилга олинган компаниялар ўз саёй-ҳаракатларини бирлаштиридилар. Бунинг натижалари эса самаралидир. Ушбу гурўҳга кирувчи компаниялар жаҳон бозориде муваффақиятли қадамлар қўймоқда. Уларнинг ташкилотлар, тузалмали бўлинмалар учун корпоратив ахборот тармоқлари бўйича ишланмалари Ўзбекистондаги кўрғазмаларда ва унинг бозориде ҳам муваффақият қозонди. Шу гурўҳ аъзоси бўлган бизнинг қўшма корхонамиз икки йил бурун ташкил топиб, Ўзбекистонда замонавий компьютер теҳнологиясини жорий этиш билан шуғулланмоқда. Кейинги кўрғазмада худди шу гурўҳ намойиш этган IBM AS400 русумли компьютерлар учун янги мосламалар катта қизиқиб уйғотди.

Хуллас, бозор иктисодиёти шароитида олдинда илгарилар учун ғоҳида изланишлар ва ғояларни ҳамкорликка киритиш компаниялар учун янги уфқлар очади.

М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Одилжон ШОДНОМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.





# МУКОФОТЛАР МУБОРАК, УНИВЕРСИАДА ГОЛИБЛАРИ!

Мамлакатимиз ҳаётида алоҳида саҳифа бўлиб очилган «Универсиада-2000» спорт анжумани ҳам нияҳасига өтди. Аслини олганда у энди бошланди. Ёшларга ҳос шижоат, интилиш, талабага ишонч руҳида илк бор бўлиб ўтган универсиада беллашувлари бундан кейин анъанавий тус олишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Зеро, ҳозирликлар ҳозирданко эстафетани қабул қилиб олинди.

22-29 май кунлари оромбахш Наманганда бўлган киши ушбу тадбир ҳақида ҳаяжонсиз гапира олмаслик аниқ. Аввало, бутун вилоятнинг спорт анжуманига мос безангани дилингизни яйратади. Бу ердаги беллашувлар ўтказилган мажмулардаги яратилган шароитлар эса халқаро талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради. Талаба ёшларнинг истикомат қилиши учун ҳозирланган «Чортоқ» санаторийсининг ўзига ҳос олимпиада шаҳарчасига айланганини айтмай-сизми?

Энг қувонарлиси, ташкилотчиларнинг мусобақаларни юксак савидада ўтказиш учун қилган кўнгуна сай-ҳаракатларига яраша иштирокчи талабалар ҳам ўзларининг нимага қодирлигини майдонда маҳорат ила намойиш эта олишди. Ва, албат-

та, уларнинг энг эгчиллари, энг чаққонлари, кучлилари биринчи тарихий универсиада-нинг дастлабки голибларига айландилар.



даллар учун бўлган кураш кўтилганда-да қизгин кечди. Вақт одил ҳакам деганларидек, мусобақаларнинг айтичи кўни барча голиб ва совриндорлар аниқланди. Уларга ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совринлари — «Тико» энгил автомобилларининг қилити топширилди. Марҳамат, универ-

сиада голиби ва яп-янги машина соҳиби бўлган талабаларимиз билан танишинг:

Аюб КАМОЛОВ (халқаро кураш), Наманган давлат университети талабаси.  
Шухрат БОЗОРОВ (белбоғли кураш), Наманган давлат университети талабаси.  
Татьяна ВЕЛИЧКО (волейбол), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси.  
Уткир УМРЗОКОВ (волейбол), Тошкент давлат педагогика университети талабаси.  
Рустам КУРБОНБОЕВ (футбол), Наманган давлат университети талабаси.  
Луиза БЕКТАЙКОВА (теннис), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси.  
Александр МАЛЬЦЕВ (теннис), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси.  
Севара ЮСУБАЛИЕВА (шахмат), Ўзбекистон миллий университети талабаси.  
Иброҳим ҲАМРОҚУЛОВ

(шахмат), Самарқанд давлат университети талабаси.  
Екатерина КРЕМЛЕВА (енгил атлетика), Наманган давлат университети талабаси.  
Хасанбой РАХИМОВ (енгил атлетика), Фарғона давлат университети талабаси.  
Луиза БУХОТОВА (баскетбол), Самарқанд давлат университети талабаси.  
Вчеслав БЕЛОКУРОВ (баскетбол), Бухоро давлат университети талабаси.  
Руслан ШУШЕРОВ (стол тенниси), Самарқанд давлат университети талабаси.  
Севара ҚОДИРОВА (стол тенниси), Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси.  
Барча голибларни юксак мукофотлар билан қизгин кўталяймиз ва ишонимизки, келажакда ҳар бир талаба Президентимизнинг совринга муносиб бўлишни ўз олдларига мақсад қилиб оладилар, Ватанимизнинг таракқиёти, равангчи учун бор куч ва гайратларини аямайдилар.

Озод РАЖАБОВ, «Жалқ сўзининг махсус муҳбири. Наманган-Тошкент.

С. Қ. Исломобеков номли «Ўзкимёфарм» ОХЖ ИСТАЛГАН МИҚДОРДА МАХСУЛОТЛАРИ КЕНГ АССОРТИМЕНТИ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

Дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар эътиборига!

## «ЎЗКИМЁФАРМ» ОХЖ

Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар омбулатори орқали энг зарур тиббиёт воситалари рўйхатидаги дори-дармонларни таклиф этади, шунингдек, бошқа дори препаратларини етказиб беради.

Тўлов шакли — «Ўзкимёфарм» ОХЖ ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.

Наҳрлар келишувига биноан пасайтирилиши мумкин.

Дори воситаларини сотиб олиш масаласи бўйича батафсил ахборотни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (99 871) 56-71-68. Факс: 56-71-67; 56-60-59. Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко кўч., 23 (мўлжал — Шимолий вокзал атрофида).

2000 йил 4 июнда

## ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Ўтказилади

ҳамма кафедралар ва лабораторияларда абитуриентлар учун касбга йўналтириш, телекоммуникация тармоқларининг бугунги кўни ва келажаги ҳақида тўла маълумотлар берилади.

Жорий йилнинг 17 майдан бошлаб институт тест марказининг компьютер синфида абитуриентлар 1996-1999 йилларда ўтказилган тест синовлари бўйича ўз билимларини аввалдан синашлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 35-36-06.

«Абитуриент-2000»

Тошкент электротехника алоқа институтига марҳамат қилинг.

## «НАВОИАЗОТ»

ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қуйидаги минерал ўғит ва кимёвий реактивларни Тошкент шаҳар Ҳасанбой массиви Ҳасанбой-1 манзили бўйича таклиф этади.

Мурожаат учун телефон: 125-06-88

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи
1	Суми-альфа	тн	1,0	13824,0\$
2	Циперфос	тн	1,0	19296,0\$
3	Нитран	тн	1,0	7200,0\$
4	Канақид	тн	1,0	70545,0\$
5	Тузал краш.	тн	1,0	15264,0\$
6	Зоокумарин	тн	1,0	691440сўм
7	Сульфат аммоний	тн	1,0	28000сўм

Тўловлар МАРКАСИЙ БАНК КУРСИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Бизнинг манзил: Юнусобод маззеси, 11, Чимкент йўли, 72. Тел/факс (372) 125-06-88.

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти

қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

докторантурага: курортология ва физиотерапия; аспирантурага: курортология ва физиотерапия (кардиология); клиник ординатурага: Курортология ва физиотерапия (кардиология); Курортология ва физиотерапия (пульмонология); Курортология ва физиотерапия (гастроэнтерология); Курортология ва физиотерапия (неврология); Курортология ва физиотерапия (педиатрия); Курортология ва физиотерапия.

Тавлов муддати эълон қилинган кундан 1 ой.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юборинг: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4-уй. Тел.: 34-55-00, 34-34-10.

## «М.А.Х. ХУРОСОН»

НЕМИС ШЎЪБА КОРХОНАСИ

алкоголсиз яхна ичимликларни, ишлаб чиқаришга ва «Тошкент» минерал сувини ПТЭФ шишаларга қуйишга ихтисослашган бўлиб, юқори иш ҳақи тўланадиган

БОШ МУҲАРАМ ВА БОШ ЭНЕРГЕТИК бўш ўринларига ТАЛЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МАЛАКАЛИ ТАЛАБЛАР:

Олий техника маълумоти, ишлаб чиқаришда камида 5 йиллик иш даври.

Манзилмас: Тошкент вилоят, Қибрай тумани, «Чимкент йўли» кўчаси, 1 (мўлжал-«Дендропарк»).

Телефонлар: 125-72-51; 125-11-46.

## БОБОЛАР КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

Хива шаҳридаги улугвор обидалар салобати кимни ҳайратга солмаган. Уларнинг пештоқлари-ю, дарвозаларига битилган нақшлар биналар ҳайбатига ўзга бир эъзазлик, нафосатни жо қилгандек. Айни кунларда ҳам бу мўтабар шаҳарда боболар касбини эъзозлаб келадиган хунармандлар кўп. Сиз суратда кўриб турган Абдулла Олланазаров ҳам шундай инсонлар сирасидан. У киши кўндан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келади. Қўлбал кўрғазмаларда қанношиб, совринли ўринларни ээлаган. 9 нафар фарандисга бош бўлган бу инсонни ҳамюртлари «уста» дея эъзозлашади.

## Қишлоқ тиббиёти

### ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Иштихонлик машҳур дўхтир Тоштемир Мавлоновни мен ҳам яхши танийман. Бир пайтлар битта қишлоқда яшаганмиз. Еттиинчи йилларда у киши Самарқанд шаҳрига ўқишга кетди. У пайтларда қишлоқдан шаҳарга келиб ўқиш Аскаротни жойидан жилдиришдек гап эди. Уқувчилар ўрта мактабни тугатгандан сўнг далага чиқиб дехқончилик қилар ёки яқин орадаги давлат қорхоналарига оддий ишчи бўлиб ёлланар эди. Бир йилдан сўнг улар соҳиларни тап-такир олдириб ёпасига ҳарбий хизматга жўнаб кетишарди. Икки йил оралиги кайтиб келишгач эса, уйланиш талорига тўшишарди, сўнгга рўзгор юк ҳалтасини тўлдиролмасдан оворай-сарсон бўлиб, қийинчилик билан яшардилар.

Тоштемир Мавлонов эса бутунлай бошқача йул тутди. Дастлаб Самарқанд тиббиёт билим юртини, кейинчалик шу шаҳардаги тиббиёт институтининг даволаш факультетини битирди. Ҳозир туманининг энг бооёр шифокорларидан саналади.

Илгари сира кўрмагандим ўзи олий маълумоти ишфокор бўлса-да, дам олиш кунлари ва ишдан бўш пайтларда ҳам жомакор тўн кийиб, қишин-ёзин кирқаталаб қўй, беш-олти сигир боққан киши. Тоштемир ақалинг ҳаргал сигир ва қўйларни олди-га солиб қишлоқнинг ёки тарафдаги ўтлоқларга ҳайдаб кетаётганини кўрганимда ҳайрон қолар эдим. Базан бу ҳол менга эриш туюларди. Кейинроқ қишлоқ одамлари касбидан, маълумотидан қатъий назар, мол-ҳол билан ҳаммиса бадавлат бўлишини аңгладим.

Тақдир тақозоси билан мен ҳарбий хизматни собик Германия Демократик Республикасида ўтаган эдим. Немис халқининг бир одати-га ҳайрон қолгандим. Таниқли ўқитувчи, профессор, тажрибали техолог ёки катта унволи ҳарбий қўмондон бўлишидан қатъий назар, улар ҳар яқиндан дехқончилик қилиш билан ўтказарди. Ҳаммалари ўз даласига бодринг, картошка экишарди. Уларни қўриб қишлоқимиздаги Тоштемир ака ёдимга тушарди. Мустиқилликка эришгач, мамлакатимизда ҳам тадбиркорликка, дехқон-фермерликка катта эътибор берила бошланди. Қўлда гулда касби бўлган Тоштемир ака ҳам биринчилар қатори ўзи истико-мат қилаётган Алишер Навоий номли ҳўжалиқнинг 13 гектар ери олиб, дехқончиликни бошлаб юборди. Орадан икки-уч йил ўтиб, ҳақиқий фермер бўлди-қолди. Ўтган йилнинг кузида у кишини яна чопон-у, кирза этиқда кўриб баттар ҳайратим ошди. Далага элтувчи сўмоқ бўлида у киши билан анча вақт сўбатлашдим.

— Тоштемир ака, ҳалимиз кўпчилик сиз ҳақингизда ҳам дўхтир, ҳам фермер, рўзгорда кам-кўсти бўлмас-да, ҳеч тиним билмайди, деб гапиртишарди...

— Ҳақиқий меҳнатнинг нима эканлигини билган одам ҳеч қандам бўлмайди, — дея жавоб қилди Тоштемир ака. — Ўғирсини айтсам, ишга ўрганиб қолганман. Эрталаб азон-да туриб, соат саккизга қадар эркакнинг рўзгор билан боғлиқ барча юмушларни баҳараман. Кейин ишга кетаман. Намозшомдан сўнг яна дала ишларига шўғуланаман. Нолимайман, дўхтир бўлганимга шўкур қиламан.

Тиббиёт соҳасидаги ишларингиз қандай?

Туман марказида ҳамма қулайликларга эга бўлган кўз касалиқларга бўлимни оңганман. Замонавий асбоб ускуналар ҳам етарли. Беморлар ётиб даволанишарди. Кундузги стационар ҳам ташкил этганмиз.

Бўлимимизда кўз билан боғлиқ тумга хасталиқларнинг ётмиш физиоидан кўпрогини тўлиқ даволаб юбориш имкони мавжуд. Шунинг учун қўшни Гузалкент, Оқдарё, Қўшарбат туманларидан ҳам беморлар келиб туради.

— Қишлоқ шароитида махсус бўлим очиш, уни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш осон бўлмаган бўлса керак?

— Буларнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бўлимимизда умумий қиймати икки миллион сўмдан ортиқ турадиган аппаратлар мавжуд. Шунингдек, хоналарни талаб даражасида сақлаб туриш, таъмирлаш, тоза ва озода тутиш учун ҳам анчагина маблағ зарур. Бирок йўлини қилиб, бу юмушни ҳам уйдalayимиз. Керак бўлганда, маҳаллий ташкилотлар ҳам ёрдамчини ама-ялди. Бўлимнинг замонавий ҳолатга келтиришимизда бизга туманимиздаги Муротобод, Алишер Навоий номли ҳўжалиқлар катта ёрдам қилишди. Туманимиз ҳокимлигининг хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Маблағ масаласида ҳаммиса қўллаб-қувватламоқда. Вилоят кўз касалиқларни шифохонаси эътиборидан ҳам доимо миннатдоримиз.

Эртаси кўни Тоштемир Мавлоновнинг ишончасига ўтдим. Дарё бўйидаги хушманзара жойда ўтирган, соясалқинда ўзаро гўнгуллашаётган беморларга кўзим тушди. Улар орасида еттидан ошгани ҳам, эндигина беш-олти ёшни ҳатлаётгани ҳам бор. Бўлим бошлиғи Тоштемир ака уларни навбатманавбат қўриқдан ўтказмоқда. Анча пайт кузатиб турдим. Бир кунда унаб, юзлаб замондошларнинг дардида маляма бўлади, каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам сабовини олади бу одам. Эрталабдан-кечгача тинимсиз меҳнат қилади. Уйда ҳам, ишончада ҳам, даласида ҳам тер тўкади. Қисқаси, ҳавас қилса арзийдиган инсон.

Шоҳжон ҚОДИРОВ, журналист.

## «СОГЛОМ АВОЛОД УЧУН»

### КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИММАТИ

Наманган вилояти халқ таълими ҳодимлари қувончи воқеанинг шохиди бўлдилар. Мактаб ўқувчилари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадларига сарфлаш учун Ўзбекистон халқ таълими ва фан ҳодимлари касабга уюшмаси марказий қўмитаси 3 миллион 336 миң сўм миқдорда маблағ ажратди. Унга теннис стол, шахмат-шапка тахталари, волейбол, баскетбол тўли ва бошқа спорт анжомлари сотиб олинди.

Спорт анжомлари Косоний, Давлатобод, Наманган, Чуст, Учқўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида очилган соғломлаштириш марказларига топширилди.

Шу кунларда вилоятнинг 16 жойида соғломлаштириш маркази, 8 турдаги спорт секциялари иш бошлади.

Васила ТУРДИБОЕВА.

## «ТЕЙНТОМ» ЎЗБЕК-GERMAN ҚЎШМА КОРХОНАСИ, МАРКАСИЙ ОСИДА ЮНОНА

### ИШЛАБ ЧИҚАРУВИДИЙР. ВА АКСЕССУАРИЛАР

## Металлчерепица

Энди бу КАМЕЪ МАТЕРИАЛ Ўзбекистонда тойбранимкоқда.

Янгилик

Ишлаб чиқариш учун қомаш Голландияда келтирилади.

Бюрошнинг хохшига кўра, тоъиё ёши бўйича ўрнотилган таъдир этилади, шунингдек, махсуслатчи-муҳаззаси жўнатилиши ҳам мумкин.

Тулов шакли — металлчи.

«ТЕЙНТОМ» К.К. Тошкент, А. Муҳаммадиев кўчаси, 1. ТУ09М-1

Кўришга рақамлар: Биринчи телефон хўзасига, Ҳас: 498 (71) 162-78-59, 162-42-47, 162-96-31. Факс: 162-41-05. E-mail: teintom@globalnet.uz

## «М.А.Х. ХУРОСОН»

НЕМИС ШЎЪБА КОРХОНАСИ

алкоголсиз яхна ичимликларни, ишлаб чиқаришга ва «Тошкент» минерал сувини ПТЭФ шишаларга қуйишга ихтисослашган бўлиб, юқори иш ҳақи тўланадиган

БОШ МУҲАРАМ ВА БОШ ЭНЕРГЕТИК бўш ўринларига ТАЛЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МАЛАКАЛИ ТАЛАБЛАР:

Олий техника маълумоти, ишлаб чиқаришда камида 5 йиллик иш даври.

Манзилмас: Тошкент вилоят, Қибрай тумани, «Чимкент йўли» кўчаси, 1 (мўлжал-«Дендропарк»).

Телефонлар: 125-72-51; 125-11-46.

## «ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),  
Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),  
С. ЗИНИН,  
С. МИРАЛИМОВ,  
С. МУХИДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁРОВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАШПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;  
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютертерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТУҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.  
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙҮЛДОШЕВА.  
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.  
Мусаҳҳих — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топирилди — 22.15  
1 2 3 4 5 6